

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

Иш берувчи ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани ўз ҳисобидан тўлашда давом этади

Президентнинг 29.12.2017 йилдаги ПҚ–3454-сон қарори билан 2010 йилда жорий этилган ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни тўлаш тартибининг амал қилиши узайтирилди.



Маълумот учун: *ҳодима ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг бутун даври мобайнида нафақа олиш ҳуқуқига эга. У жами 126 (туғиш қийин кечган ёки 2 ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – 140) календарь кунни ташкил этади.*

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа ходиманинг тўлиқ иш ҳақи миқдоридан тўланади. Бироқ аёл янги ишга қабул қилинган ёки бир йилдан ортиқ танаффусдан кейин ишга чиққан бўлса, нафақа миқдори табақалаштирилади. Нафақани ҳисоблаб чиқариш қоидалари Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда баён этилган.

2010 йилгача нафақа бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланган. Ушанда корхоналар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига тегишли маблағларни олиш учун бюуртманомалар тақдим этганлар.

2010 йил 1 январдан бошлаб тартиб ўзгарди – ишловчи аёлларга нафақаларни иш берувчилар ўз маблағларидан (бюджет ташкилотларида – бюджет маблағларидан) тўлайдилар. Ушбу тартиб яна бир йил – 2019 йил 1 январгача узайтирилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 31.12.2017 йилдан кучга кирди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 31.12.2017 йилдан кучга кирди.

Тошкент вилоятида ер олиш соддалашди

Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2018 йилдаги 20-сон қарори билан қатор Ҳукумат қарорларига ўзгартиришлар киритилиб, тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини ажратиш тартиботлари соддалаштирилди.

2009 йилда Тошкент вилоятида юридик ва жисмоний шахсларга ер қонунчилиги, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ ер участкалари ажратиш амалиётини ўрганиш бўйича комиссия тузилган. Комиссия Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан унга тақдим этилган ҳужжатларни ўрганади ва

тадбиркорлик фаолияти, яқка тартибда уй-жой қуриш ва бошқа мақсадлар учун ер участкаларини бериш бўйича қарорлар қабул қилади. Бундай қарорсиз ҳоким ер ажратиш ҳуқуқига эга эмас.

Бу анча узоқ давом этадиган жараён: ҳуж-

2-бетда

«Селфимания» – юқумли ва хавфли «касаллик»

Инсон қилаётган ишларини акс эттириб, эсдалик учун суратга тушиши, ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини фотога муҳрлашга интилишини тушуниш мумкин. Аммо унинг шундай тури борки, инсонлар унга қарам бўлиб қолмоқда. Инсон ўзининг суратини олиши, яъни «селфимания» билан шугулланиши, доимий равишда ижтимоий тармоқларга жойлаштириши бугунги кунда авж олмоқда. Ўз сурати билан безалган профиллар гўёки уларга машхурлик келтирадигандек.



Селфи инглизчадан таржима қилинганда «self» – «ўзини-ўзи» маъносини билдиради. Демак, у ўзини кўз-кўз қилиш мақсадида суратга олиш деган тушунчага мос келади. Хўш? Ўзини мактаса нима бўпти?

Айтиш жоизки, айни вақтда мутахассис шифокорлар томонидан бу «селфитис» касаллиги дея баҳоланмоқда. Маълум бўлишича, у бошланғич, ўткир ва сурункали босқичларга эга.

Бошланғич босқичда одамлар кунига камида уч марта ўзини суратга олади, аммо ижтимоий тармоқларга жойламайди. Ўткир ҳолатда эса олинган селфилар ҳар кунини интернетда пайдо бўлади. Сурункали босқич кеча-кундуз ва бошқариб бўлмайдиган равишда ўзини суратга олиш ва суратларни интернетга жойлаш истаги билан намоён бўлар экан. Айнан шу иштиёқ инсон

руҳиятидаги салбий ўзгаришларнинг авжи ҳисобланар экан.

Бундай ҳолатда одамлар эҳтиёткорлик ҳиссини бутунлай йўқотди ва ноодатий суратга олиш, интернетнинг бошқа фойдаланувчилари эътибори ва баҳосини ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмайди.

Ижтимоий тармоқларда «ўзингни суратга ол ва бизга юбор», «энг кўпчили суратингни тармоққа жойла» каби даъватлар кўпаймоқда. Энг ачинарлиси, ён-атрофимизда ана шундай инсонларга эргашадиганлар кўпайиб бормоқда. «Улар нега айнан шу ерда, баланд бинода, поезд йўлида ёки машина ойнасидан бошини чиқариб суратга тушяпти. Демак, бир сабаби бор», деб ўйлаётган ва уларга тақдир қилаётганларга нима дейсиз? Бу касаллиқнинг юқумли эканидан далолат эмасми?...

...Дилноза ижтимоий тармоқларда жуда фаол. Дўстлар орттириш, улар билан суҳбат қуриш унга жуда ёқади. Суратларини тармоққа жойлаштириш эса жону дили. Аммо унинг бу қизиқиши бошига бало бўлди. Тармоқдаги нотаниш йигитнинг дил изҳоридан сўнг Дилноза ҳам унга боғланиб қола бошлади. Улар бир-бирига турли жойларда тушган суратини юборар, кейин унга изох берарди. Қўз дугоналари билан бирга тоққа чиқди. Ўзини қоя устида «селфи» услубида суратга олишга уринган Дилноза беҳосдан йиқилиб кетди. Натижада суюқларининг синиши, умуртқа суюғининг кучли зарарланиши ва бош юмшоқ қопламасининг қаттиқ шикастланиши каби касалликларни орттириб олди. Бу унинг руҳиятига ҳам таъсир этмай қолмади.

Тадқиқотлар натижаси

Ҳиндистонлик олимлар ўтказган сўров натижаларига кўра, «селфитис»га чалинганларнинг кўпчилиги эътибор, меҳр-муҳаббатга муҳтож, ўзига ишончи суст кишилардир. Улар ўзининг жамиятдаги ўрнини топшига уринади. Атрофдагилар унга эътибор бериши учун

ўзини гуруҳнинг бир қисми сифатида ҳис қилиш умидида доимий равишда суратларини чоп этиб боради. Ўзлигини намоён қилиш, атрофдагилар эътиборини кенг жалб этишга бўлган кучли истақ онгни бошқаради.

8-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

7-БЕТ

8-БЕТ

ШЖБПҲга бадал – 2 фоз

Ишловчи пенсионерлардан кимлар пенсияни тўлиқ олишга ҳақли?

Ижара шартномасини бир тарафлама бекор қилишни олдиндан келишинг

Ҳидсиз, таъмсиз, рангсиз «қотил»

Тошкент вилоятида ер олиш соддалашди

1-бетда жатлар қабул қилинган пайтдан эътиборан 10 кун мобайнида кўриб чиқилади, шундан кейин қабул қилинган қарорни ўз ичига олган баённома 3 кун ичида Тошкент вилоят ҳокимлигига юборилади. Ва, фақат Комиссиянинг ижобий қарори бўлганда туман (шаҳар) ҳокими ер участкаси ажратилиши тўғрисида қарор чиқаради (бир ҳафта муддатда) (ВМнинг 18.02.2009 йилдаги 45-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

Қабул қилинган тузатишлар натижасида ушбу механизм Тошкент вилоятининг фақат 5 та туманида сақлаб қолинади, булар: **Бўстонлик, Зангиота, Қибрай, Паркент ва Тошкент туманлари.** Шу тариқа, қолган 10 та туманда энди ер участкасини Комиссиянинг қарорисиз олиш мумкин, ер ажратиш тартиби

эса у ерда ер тақдим этиладиган мақсадларга боғлиқ бўлади:

- шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун;
- қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар, шунингдек икки ва ундан ортиқ туманлар (шаҳарлар) ҳудудида жойлаштириладиган объектлар қурилиши учун;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун.

Эслатиб ўтамоғимиз, илгари пойтахт вилоятнинг 7 та туманида ер участкаларини ажратиш вақтинча тўхтатиб турилган эди (ВМнинг 12.12.2017 йилдаги 981-сон қарори).

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 12.01.2018 йилдан кучга кирди.



Аҳоли янги ҳисоблагичларни даврий қиёслашдан ўтказиш учун ҳақ тўламайди

Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сон «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Хужжат билан қуйидагилар тасдиқланди: Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари (олдингиси кучини йўқотди);

Табиий газдан фойдаланиш қоидалари (Иқтисодиёт тармоқларида газдан фойдаланиш қоидалари кучини йўқотди).

Янги қоидаларда бир нечта эътиборли жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, маиший истеъмолчилар (яъни, аҳоли)га электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш замонавий ускуналарини харид қилиш, ўрнатиш, рўйхатдан ўтказиш, даврий давлат қиёслови ва пломбалаш тегишчан ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва газ таъминоти ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилади. Бироқ бу ерда қуйидагиларни инобатга олиш даркор.

1. Хужжатда фақат замонавий, яъни электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимларига интеграцияланган ҳисоблагичлар (ЭНХАТ, ГНХАТ) хусусида сўз бормоқда. Замонавий талабларга жавоб бермайдиган ҳисобга олиш ускуналарини қиёслашдан ўтказиш харажат-

лари истеъмолчи (мулкдор) томонидан мустақил равишда тўланади.

2. Табиий газдан фойдаланиш қоидаларида яна битта шарт бор. Унда айтилишича, табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарини таъмирлаш ва давлат қиёсловидан ўтказиш учун харажатлар уларнинг мулкдори томонидан қопланади. Демак, агар фуқаро унга ўрнатилган ҳисобга олиш ускунаси учун тўловни амалга оширган бўлса, у унинг мулкдори ҳисобланади ва уни даврий қиёсловдан ўтказиш ишлари учун ўзи тўловни амалга ошириши керак. Агар ҳисоблагич газ таъминоти ташкилоти томонидан ўрнатилган бўлса ва истеъмолчи унинг қийматини тўламаган бўлса, даврий қиёслов ҳам бепул ўтказилади.

3. Юқорида кўрсатилган қоидалар фақат ҳисобга олиш ускуналаридан лозим даражада фойдаланилган тақдирда ишлайди. Агар ҳисоблагичга истеъмолчининг айби билан зарар етказилган, ишдан чиқарилган ёки йўқотилган бўлса, уни алмаштириш, таъмирлаш, давлат қиёсловидан ўтказиш ва ўрнатиш учун тўлов истеъмолчининг ўзи томонидан амалга оширилади.

Иккинчидан, маиший истеъмолчилар (яъни аҳоли)нинг электр энергияси ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг даврий давлат қиёсловидан ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини ташкил қилиш бўйича жавобгарлик, тегишчан ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва газ таъминоти ташкилотларига юклатилади.

Янгиланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида қуйидагилар тўғридан-тўғри кўзда тутилади: агар қиёсловдан ўтказиш муддати ўтиб кетган бўлса, бироқ электр таъминоти корхонаси қиёсловдан ўтказмаган бўлса – истеъмолчи ҳисоблагич кўрсаткичлари бўйича тўловни амалга оширишни давом эттиради. Бундай ҳолатда электр таъминоти корхонаси истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисобга олиш қиёслашларо интервал муддати ўтган ҳисоблагич билан амалга оширилган давр учун қайта ҳисоб-китоб қилишга ҳақли эмас. Табиий газдан фойдаланиш қоидалари бундай кафолатни ўз ичига олмайди.

Учинчидан, тадбиркорлик субъектларини электр ва газ тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш фақат уларнинг ихтиёрига биноан амалга оширилади. Демак, энергия таъминоти ташкилотлари бундай хизматларга мажбурлаши мумкин эмас.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 16.01.2018 йилдан кучга кирди.

Таълим: соатбай ҳақ оширилди

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қарори (АВ томонидан 24.10.2016 йилда 2834-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан янги ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлашнинг миқдорлари тасдиқланди.

Бунгача амалда бўлган миқдорлар (АВ томонидан 18.01.2018 йилда 2965-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ўртача 15%га оширилди. Бунда айтиб ўтилишича, янги оширилган ставкалар 1.12.2017 йилдан, яъни ўтган санадан бошлаб қўлланилади. Шу санадан бошлаб энг кам иш ҳақининг миқдори ҳам оширилган.

Бундан ташқари, белгиланишича, умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси ишлаб чиқариш таълими усталарининг соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 14 561,9 сўмни ташкил этади. Илгари улар белгиланмаган эди.

Маълумот учун. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 1 академик соат учун белгиланган. Олий таълим тўғрисида низомнинг 35-моддасига кўра, барча турдаги аудитория машғулотларининг давомийлиги белгиланган – 45 дақиқа (бирга олиб бориладиган ягона парада машғулотлар ўтказилганда – 40 дақиқа).

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 18.01.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, Олег Заманов, Ленера Хикматова, «Norma» МЧЖ экспертлари.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02. *Хизматлар лицензияланган.*

Марказдаги 65 кв.м офис ва бир участкадаги 200 кв.м турар жой (евротаъмирдан чиққан) узоқ муддатга ижарага берилади. Тел.: (+998 90) 956-44-35, (+998 90) 956-54-42.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

www.norma.uz

УШБУ СОҒДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-2-бетлар

• БУГУНГИ КУН

– «Селфимания» – юқумли ва хавфли «касаллик»

1, 8-бетлар

• ПЕНСИЯ ИШИ

– Ўз ўзига инспектор

– Ставка ошди. Жамғарма кўпайди

– Маош ҳам олинг, пенсия ҳам

– Бензин – ўз ҳисобидан

– Стаж плюс?..

– Суднинг ҳал қилув қарорига кўра

– Тўлаш тўхтатиб турилган ёки

тўхтатилган бўлса

– Бехуда гап

– Ортиқчаси қайтарилади

– Стаждан қатъи назар

– Маълумотнома учун – Марказга

– Қадр топган қариялар

3-6-бетлар

• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Ижарага берувчи шартномани муддатидан аввал бекор қилмоқчи

– Ҳар бир автомобилга биттадан

ҳайдовчи

7-бет

• ИНСОН ҲАЁТИ – АЗИЗ

– Хушёрмисиз? – Нохуш бўлмайсиз

8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Norma maslahatchi» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Ишловчи пенсионерлардан қайси бирлари бу йилда ҳам пенсия, ҳам иш ҳақи олиши мумкин эканлиги, ШЖБПХга мажбурий бадалларнинг янги ставкаси қанчалиги ва пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги яна кўплаб бошқа ўзгартиришлар тўғрисида янги 2018 йилнинг илк сонидан билиб олишингиз мумкин. «Жавоб берамиз» ахборот хизмати орқали саволлар берган ёки уларни электрон почтага йўллаганлар учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси мутахассислари жавоблар тайёрлаганлар.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўлланг.

Мутахассис тушунтиради

Ўз ўзига инспектор

Қанча пенсия ҳисобланиши ва унинг суммаси таркибий қисмларининг қайси бири энг аҳамиятли эканлиги ҳақидаги саволларни «Норма маслаҳатчи» газетаси ва norma.uz сайти ўқувчилари жуда кўп берадилар. ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Хўжаев бундай мурожаатлардан бирини шарҳлаб берди.



Газетада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланиши ҳақидаги аниқ мисоллар билан келтирилган материаллар ҳар ойда чоп этилади. Газеталарда пенсия ҳисобланишига доир мисоллар чоп этилиб, улар ҳам Пенсия жамғармаси бўлимларига таширф буюрувчилар учун стендларда илиб қўйилса, маъқул иш бўлар эди.

Ф.Расулев. Тошкент ш.

– Шуни қайд этиш зарурки, даромад солиғи билан солиштирганда пенсия миқдорини ҳисоблаш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Сабаби пенсия миқдори нафақат иш ҳақи миқдори, балки иш стажига ҳам боғлиқ бўлади.

Стажни ҳисоблаб чиқаришда иш стажига қўшилинадиган ва қўшилмайдиган даврлар бўлади. Айрим даврлар, маса-

лан, болани парваришлаш таътили эса чекланган ҳолда киритилади. Тегишинча, иш стажини аниқ ҳисоблаш зарур.

Бундан ташқари, айрим тоифадаги фуқароларга, масалан, зарарли ва оғир меҳнат шароитида ишловчиларга пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқаришда алоҳида ёндашув талаб этилади.

Даромад солиғи иш ҳақининг аниқ

БУГУНГИ СОНДА:

БЕНЗИН – ЎЗ ҲИСОБИДАН

Байналмилалчи ҳарбийлар рўйхатда мавжуд эмас

3

СТАЖ ПЛЮС?..

Пенсия: тўлиқми ё тўлиқ бўлмаганми?

4

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИГА КЎРА

Стажни ҳисобга олиш санасини кўрсатган ҳолда

5

БЕҲУДА ГАП

Ёшга доир пенсияни ШЖБПХ бўйича расмийлаштириш мумкинми?

6

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

№ 5 (654) • 2018 йил 30 январь

3

миқдоридан ҳисоблаб чиқарилади, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақи миқдори эса иш ҳақининг индивидуал коэффициентини қўллаган ҳолда ўтган йиллардаги иш ҳақларини пенсия тайинланадиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда қайта ҳисобланади (*«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси 2-қисми*).

Қайта ҳисобланган иш ҳақидан кетма-кет 5 йилдаги энг мувофиғини (одатда энг юқорисини) танлаш зарур. 5 йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ҳар доим ҳам йил бошидан бошланмаслиги (яъни даврларнинг бошланиши ва якунланиши йилнинг исталган ойига тўғри келиши мумкинлиги) инобатга олинса, унинг 5 йилдагисини аниқлаш ҳам қийин жараён ҳисобланади. 5 йилдаги қайта ҳисобланган иш ҳақи суммасини 60 га бўлиш лозим.

Ана шундай мураккаб ҳисоб-китоблар қилиниши сабабли Пенсия жамғармаси бўлимлари «Пенсия» дастурий комплексидан фойдаланадилар.

Бу ўринда шунини маълум қиламизки, Пенсия жамғармасининг расмий веб-сайтида «Пенсия калькулятори» мавжуд. Ундан фойдаланган ҳолда пенсия миқдорини ол-

диндан ҳисоблаб чиқаришингиз мумкин. Тўғри, бунда иш стажини ўзингиз ҳисоблаб чиқаришингиз керак бўлади.

Иш стажини ва ўртача ойлик иш ҳақи маълум бўлса, пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқариш қийин бўлмайди. Бироқ ўртача ойлик иш ҳақи ЭКИХнинг 8 баробаридан ортиқ бўлмаслиги кераклигини назарда тутиш лозим (*Қонуннинг 31-моддаси 6-қисми*).

Тўлиқ пенсия миқдори 3 қисм: таянч миқдор, иш стажини учун пенсиянинг оширилиши ва пенсияга қўшилаётган устама ҳақлардан таркиб топади. Эркакларда иш стажини 25 йил ва аёлларда 20 йил бўлганда, пенсия миқдори тўлиқ ҳисобланади.

Биринчи навбатда пенсиянинг **таянч миқдори** аниқланади, у ўртача ойлик иш ҳақининг 55%ига тенг.

Сўнгра **иш стажини учун пенсиянинг оширилиши** (эркакларда 25 йилдан ва аёлларда 20 йилдан ортиқ) ҳисоблаб чиқарилади. Иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ўртача ойлик иш ҳақининг 1%ини ташкил этади. Масалан, эркакларда иш стажини 27 йил бўлганда у 2%га тенг (27 – 25).

Пенсияга қўшилаётган устама ҳақлар Қонуннинг 28-моддасида назарда тутилган айрим тоифадаги шахсларгагина ҳисоблаб чиқарилади. Уларнинг миқдори энг кам иш ҳақига боғлиқ бўлиб, шахслар тоифасига қараб унинг 30%идан 150%игачани ташкил этади.

Қонунчиликдаги янгиликлар

Ставка ошди. Жамғарма кўпайди

Президентнинг 29.12.2017 йилдаги ПҚ–3454-сон қарори билан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларнинг янги ставкаси тасдиқланди.

2017 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллари ЖШДС солинадиган даромадларидан 1% миқдорда ҳисоблаб чиқарилар эди.

1.01.2018 йилдан бошлаб ШЖБПҲга ўтказиладиган ҳар ойлик бадаллар миқдори 2%гача оширилди (ПҚ–3454-сон қарорнинг 6-банди).

Бунда ЖШДСнинг ШЖБПҲга ўтказиладиган маблағлар суммасига камайтирилиши тартиби сақланиб қолинди, яъни бадаллар суммаси ҳисобланган даромад солиғи суммасидан чегириб ташланади.

Маош ҳам олинг, пенсия ҳам

Президентнинг 28.12.2017 йилдаги ПФ–5291-сон Фармони ҳамда 29.12.2017 йилдаги ПҚ–3450-сон қарори билан шундай имконият яратилди.

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги пенсионерлар тўлиқ пенсия олишга ҳақли бўлдилар:

- улар ишга жойлаштирилганлиги ёки фаолият соҳасидан қатъи назар, республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун қўшган улкан ҳиссаси учун Президент томонидан берилган «Халқ...», «Хизмат кўрсатган... арбоби» ва «Хизмат кўрсатган...» фахрий унвонларига эга бўлганлар;
- фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлиги ва фойдаланилиши учун фақат муаллифлик ҳақи (гоно-

рар) тарзидаги даромадлар оладиганлар, башарти улар меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширмаса;

➢ барча мулкчилик шаклидаги тиббиёт ташкилотларининг ишловчи пенсионер врачлари.

Маълумот учун. Қуйидагилар ҳам 100 фоиз пенсия олиш ҳуқуқига эга:

➢ уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар;

Мавзуйий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

- Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматни ўтаган ёки фронт орқасида ишлаган шахслар;
- I ва II гуруҳ ногиронлари;
- Чернобыль ҳалокатидан зиён кўрган фуқаролар;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳудудий кенгашлари раисларининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари ҳамда фуқаролар йигинлари ва маҳаллаларнинг раислари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйи-

- ча маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёллар – ёшга доир пенсияни олганда;
- Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг барча ходимлари;
- Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомида (АВ томонидан 30.04.2011 йилда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган) кўрсатилган фуқароларнинг бошқа тоифалари.

Қолган ишловчи пенсионерларга уларга тайинланган пенсиянинг 50%и миқдориди пенсия тўланади.

Хужжатлар Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) 29.12.2017 йилда расман эълон қилинди.

Музаффар Мирзаганиев, Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ экспертлари.

Маълумот учун

Пенсияга ЭКИҚнинг **100%и** миқдоридаги **УСТАМАНИ «Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвонига сазовор бўлганлар ва олий нишон – **«Олтин Юлдуз»** медални билан тақдирланганлар олиш ҳуқуқига эга.

Расмий жавоб

Бензин – ўз ҳисобидан

? *Отам – афгон уруши қатнашчиси. Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомига 1-иловага мувофиқ, у байналмилалчи жангчи сифатида уруш қатнашчиларига тенглаштирилган. Автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисми учун шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомида уруш қатнашчиларига тенглаштирилганлар учун автобензин харажатларини қоплашга компенсация тўловлари назарда тутилган. Отам ушбу тўловларни олишга ҳақлими?*

Н.П.

– **Афсуски, йўқ.** Агар сиз Автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисми учун шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми (*ВМнинг 30.10.2006 йилдаги 223-сон қарорига 1-илова*) билан батафсил танишиб чиқсангиз, Низомига 1-иловада ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқига эга бўлган уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган **шахсларнинг айрим тоифалари** тасдиқланганини кўрасиз.

Ушбу рўйхатга кўра, қуйидаги шахслар уруш қатнашчиларига тенглаштирилади:

а) 1941 йил 22 июндан 1954 йил 31 декабргача бўлган даврда қирувчи батальонлар, взводлар ва халқни ҳимоя қилиш отрядлари таркибига собиқ СССР ҳудудидида жангларда қатнашган шахслар;

б) Иккинчи жаҳон уруши йилларида партизан отрядларида ва қўшилмаларида бўлган ёхуд яширин ишлар билан шугулланган шахслар;

в) Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳаракатдаги армия таркибига ёки ҳарбий ҳаракатлар минтақаларида хизматни ўтаган собиқ СССРнинг ИИВ органлари ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси органларининг бошлиқлар ва оддий аскарлар таркибига қирувчи шахслар;

г) Иккинчи жаҳон уруши даврида балоғат ёшига етгунга қадар полк ўғли ёки кичик матрос сифатида ҳаракатдаги армия ва флотнинг қисмлари ва тузилмалари таркибига бўлган шахслар;

д) Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий ҳаракатлар минтақаларида темир йўлларнинг фронт яқинида жойлашган участкаларида, мудофаа чизиги иншоотларида, ҳарбий-денгиз базаларида, аэродромларда ва бошқа ҳарбий объектлардаги ишларда қатнашган ишчилар;

е) Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳаракатдаги армия таркибига ишлаган эркин ёлланганлар таркибидан бўлган шахслар;

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

ж) 1956 йил 24 октябрдан 1956 йил 10 ноябргача бўлган даврда Венгриядаги жанговар ҳаракатлар даврида ушбу мамлакат ҳудудида бўлган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар.

Баён этилганлардан кўриниб турибдики, ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда, шу жумладан Афғонистон Республикасида ўз байналмилал бурчларини адо этган, тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибиде иштирок этган шахслар рўйхатда йўқ.

Стаж плюс?..



Тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган пенсия нима ўзи? Улар нимаси билан фарқланади?

Б.Ашметова. Тошкент ш.

– **Тўлиқ пенсия** – уни тайинлаш учун талаб этиладиган иш стажига эга бўлганингизда, тўлиқ бўлмаган пенсия эса зарур иш стажингиз кам бўлганда тайинланади.

Масалан, умумий асослардаги ёшга доир пенсия учун зарур иш стажы эркаклар учун – 25 йил, аёллар учун эса 20 йилни ташкил этади.

Мазкур ҳолда пенсиянинг тўлиқ миқдори пенсиянинг таянч қисмига тенг бўлади, яъни:

пенсиянинг таянч миқдори = ўртача ойлик иш ҳақи (пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олиндиган) х 55%.

кам пенсиянинг 50%и – 168 440 сўмдан кам бўлмаган миқдорда белгиланди (Қонуннинг 26-моддаси).

Агар иш стажы 25 йилдан (эркакларда) ёки 20 йилдан (аёлларда) кам бўлса, стаж тўлиқ бўлмагандаги пенсия тайинланади.

Маълумот учун: ёшга доир пенсияни тайинлаш учун Қонун 37-моддаси 1-қисмининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган энг кам иш стажы камиде 7 йилни ташкил этиши керак (Қонуннинг 8-моддаси).

Иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади, яъни унинг миқдори пенсиянинг тўлиқ миқдорига мутаносиб равишда камайтиради.

Тўлиқ бўлмаган иш стажы ҳолатида пенсия куйдаги тарзда ҳисоблаб чиқилади. Дастлаб тегишли тўлиқ пенсия аниқланади. Ушбу пенсия талаб этиладиган иш стажы ойлари сонига бўлинади, олинган сумма амалдаги иш стажы ойлари сонига кўпайтирилади (Низомнинг 130-банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова).

Ушбу ҳолатни ёшга доир пенсия мисолида кўриб чиқиш мумкин:

Иш стажы (эркак)	Иш стажига қараб ўртача ойлик иш ҳақидан фоизлардаги пенсия миқдори	Пенсиянинг таянч миқдорига фоизлардаги пенсия миқдори	Иш стажы (аёл)	Иш стажига қараб ўртача ойлик иш ҳақидан фоизлардаги пенсия миқдори	Пенсиянинг таянч миқдорига фоизлардаги пенсия миқдори
25	55	100	20	55	100
24	52,8	96	19	52,3	95
23	50,6	92	18	49,5	90
22	48,4	88	17	46,8	85
21	46,4	84	16	44,0	80
20	44,0	80	15	41,3	75
19	41,8	76	14	38,5	70
18	39,6	72	13	35,8	65
17	37,4	68	12	33,0	60
16	35,2	64	11	30,3	55
15	33,0	60	10	27,5	50
14	30,8	56	9	24,8	45
13	28,6	52	8	22,0	40
12	26,4	48	7	19,3	35
11	24,2	44			
10	22,0	40			
9	19,8	36			
8	17,6	32			
7	15,4	28			

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Маълумот учун: иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги I гуруҳ ногиронлиги, шунингдек ҳар иккала ота-онасини йўқотган болаларга (чин етимларга) боқувчисини йўқотганлик учун пенсиялар 2017 йил 1 декабрдан бошлаб ёшга доир энг кам пенсия – 336 880 сўмдан кам бўлмаслиги керак.

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир, II гуруҳ ногиронлиги, шунингдек оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси 2017 йил 1 декабрдан бошлаб ёшга доир энг кам пенсиянинг 50%и – 168 440 сўмдан кам бўлмаган миқдорда белгиланди (Қонуннинг 29-моддаси).

Маълумот учун

Боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган **ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР** фарзандликка олинганларида ҳам мазкур ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра



Архиви сақланмаган ташкилотдаги иш стажим ҳисобга олинмай ҳисобланган пенсияни 6 йил давомида олиб келдим. Ҳозир ўша пайт мен билан ишлаган иккита гувоҳни тақдим этиб, судга мурожаат қилдим. Суд стажни ҳисобга олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Пенсия суммасини қайси пайтдан қайта ҳисоблаб берадилар? У тайинланган кунданми (яъни ўтган 6 йил учун) ёки суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинган кунданми?

Х.Рўзибоев. Тошкент ш.

– Бу суднинг ҳал қилув қарорига боғлиқ. Агар суд муайян вақтда муайян корхонада ишлаганликнинг юридик далилини белгиллаган бўлса, Пенсия жамғармаси бўлимлари суднинг ҳал қилув қарори илова қилинган мурожаат тақдим этилган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб пенсияни қайта ҳисоблайдилар.

Суд Пенсия жамғармаси бўлимининг иш стажини ҳисобга олмаганлик бўйича ҳаракатлари ноқонунийлиги

тўғрисида ҳал қилув қарорини қабул қилса, бир вақтнинг ўзида ушбу стаж қайси санадан бошлаб ҳисобга олиниши кераклиги ҳақидаги ҳал қилув қарорини чиқаради.

Суднинг ҳал қилув қароридан бундай сана кўрсатилмаган бўлса, ариза берувчи қарорни қабул қилган ўша судга тегишли тушунтириш беришни, яъни иш стажини ҳисобга олиш санасини аниқлаштиришни сўраб мурожаат қилишга ҳақли.

Тўлаш тўхтатиб турилган ёки тўхтатилган бўлса



Ўзбекистон фуқароси қизи билан РФда яшаган, вафот этган пайтида унинг қарамоғида бўлган бўлса, унинг қизи онаси Ўзбекистонда ололмай қолган пенсиянинг бир қисмини олишга ҳақлими? «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунда вафот этган пенсионер билан Ўзбекистон ҳудудида бирга яшаган бўлиш керак деб кўрсатилмаган. Пенсионер РФда бўлган пайтида Ўзбекистонда пенсия олмаганлиги эса у қизининг қарамоғида бўлганлигини тасдиқлайди.

Гулсара Р. Тошкент ш.

– Мурожаатингиздан кўринишича, она қизи билан бирга Россия Федерациясида яшаган. Бироқ бу ҳолда айрим масалаларни аниқлаштириш талаб этилади:

1. Унинг қизи Ўзбекистон Республикаси фуқаросими ёки чет эл фуқаросими?

2. Вафот этгунга қадар, шу жумладан ишончнома бўйича пенсия тўланганми?

Биринчи масалага келсак: қизи чет эл фуқароси бўлса, у ҳолда чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб тургандагина пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар (Қонуннинг 1-моддаси 3-қисми). Россия Федерациясида ҳам, МДҲнинг бошқа мамлакатларида ҳам худди шундай қоидалар мавжуд.

252-сон Низомга мувофиқ;

а) тайинланган пенсияни тўлаш доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетилганда тўхтатилади (171-банд);

б) тайинланган пенсияни тўлаш:

➢ кетма-кет 3 ойдан ортиқ вақт мобайнида пенсияни етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот орқали пенсия олинмаганда;

➢ пенсияни тўлашни тўхтатиб туриш тўғрисида пенсионер томонидан ариза берилганда;

➢ ишончнома берган шахс унга тайинланган пенсияга ҳуқуқини тасдиқлаш учун белгиланган муддатда келмаганда тўхтатиб турилади (172-банд).

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар рўй берганда пенсия ҳисобланмайди.

Вафот этган пайтга келиб пенсия тўлаш тўхтатиб турилган ёки тўхтатилган бўлса, тегишинча, олинмаган қолган пенсия суммаси ҳам мавжуд эмас. Сабаби тўлаш учун жўнатилган, бироқ пенсия етказиб берилган кунда пенсионер вафот этганлиги муносабати билан тўланмаган пенсия ана шундай пенсия деб тан олинади.

Агар у вафотидан олдин тўхтатиб турилган пенсияни

тиклашни сўраб мурожаат қилган, бироқ уни олишга улгурмаган бўлса, пенсиянинг тегишли суммалари ота-онаси, эри (хотини), шунингдек пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турган оила аъзоларига тўланади (*Қонуннинг 63-моддаси 1-қисми*).

Юқорида баён этилганидан келиб чиқишича, **чет давлат фуқароси бўлган ва пенсионер вафот этган пайтда Ўзбекистонда яшамаган қизи олинмай қолган пенсия суммасини олишга ҳақли эмас.**

Бехуда гап



Пенсиялар ШЖБПХ бўйича расмийлаштирилиши тўғрисида қонун лойиҳаси ишлаб чиқиляётган эмиш. Ёшга доир пенсияни ШЖБПХ бўйича расмийлаштириш мумкинми?

– Бундай қонун лойиҳаси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, сабаби давлат пенсияси ва жамғариб бориладиган пенсия – ҳар хил ташкилотлар бошқарадиган турли ижтимоий таъминот тизимлари.

Давлат пенсиялари Пенсия жамғармасининг таркибий бўлинмалари томонидан тайинланади ва тўланади. Жамғариб бориладиганлари эса – Халқ банки томонидан.

Бундан ташқари, жамғариб бориладиган мажбурий пенсия жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солигининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига шаклланади («Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси 1-қисми). Бунда сугурта бадаллари фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан мажбурий ажратмалар ҳисобига шаклланади (*Солиқ кодексининг 306-моддаси*). Яъни солиқ солинадиган база ва ҳуқуқларнинг шаклланиш манбаи турлича.

Бироқ иш стажы ва сугурта бадаллари, шунингдек Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланган иш ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса,

Пенсия жамғармаси бўлимлари фуқароларнинг шахсий жамғариб борилган пенсия ҳисобварақларига келиб тушган мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланадилар.

Чунончи, иш ҳақи тўғрисида архив маълумотлари мавжуд бўлмаганда, унинг миқдори **2005 йилдан кейинги давр учун** жамғарилиб бориладиган пенсия тизимида мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек **2015 йилдан кейинги давр учун** бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган сугурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан келиб чиқиб аниқланади (*252-сон Низомнинг 85-банди 2-хатбошиси*).

Инспектор ариза берувчининг СТИР ва ШЖБПХга асосан ДСҚ ва Халқ банки билан ахборот алмашинуви бўйича ўзаро ҳамкорлик, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ариза берувчининг иш стажы, иш ҳақи ва ҳисобланган сугурта бадаллари суммасини ўзаро солиштиради (*АВ томонидан 17.11.2011 йилда 2282-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 13-банди 2-хатбошиси*).

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи.

Бизга мактуб йўллабсиз

Ортиқчаси қайтарилади



Ҳисоблашда хатога йўл қўйилганлиги сабабли пенсиямдан ушлаб қолишар экан. Ойлик чегириладиган суммани ўзим белгилашим мумкинми?

Козим А. Тошкент ш.

– Пенсиялардан чегирмалар миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгиланган ва қуйидаги миқдорларни ташкил этади:

- ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида – 10%;
- қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчи-

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

сини йўқотганлик пенсияси ёки нафақаси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида, пенсия ва нафақалар тўланган вақтда ишга жойлашганлигини яшириш – 30%;

➤ ЭКИХнинг 2 баробаридан кам миқдорда пенсия ёки нафақа олувчи шахслар бўйича – 5% (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақаси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида, пенсия ва нафақалар тўланган вақтда ишга жойлашганлигини яшириш ҳолатларидан ташқари).

Чегирма миқдори суд қарори билан белгиланган ҳолатларда, чегирма суд қароридан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Пенсионер ўзи учун кўрсатилганидан кам чегирма миқдорларини белгилаш олмайдди. Ортиқча тўлов



қопламасини оширишга эса ҳақли ҳисобланади. Бунинг учун ёзма ариза зарур, унда у фоиз нисбатидан белгиланган миқдор ёки қатъий белгиланган сумма кўрсатилади.

Пенсионер ёки нафақа олувчи янги ёзма ариза тақдим этиш орқали ҳар ой қардорликни қоплашга йўналтирилаётган суммалар миқдорини ўзгартариши мумкин (АВ томонидан 26.10.2016 йилда 2835-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йуриқнома).

Шуни ҳам маълум қиламизки, 65 ёшга тўлган бўлсангиз ёки сизга 2010 йилгача бўлган даврда пенсия тайинланган бўлса, Президентнинг 28.12.2017 йилдаги ПФ-5291-сон Фармонига мувофиқ, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра тайинланган пенсия ва нафақалар ҳисоблашни тўғрилигини текшириш натижасида аниқланган ортиқча тўланган пенсия ва нафақаларнинг қолдиқ суммаси ҳисобдан чиқарилади.

Стаждан қатъи назар



Ходим касб касаллиги муносабати билан ногиронлик пенсиясини расмийлаштира оладими? Бунда қандай стаж бўлиши зарур?

Р.А., КБ инспектори.

– Ҳа, бундай қила олади. Ходимлар касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар тайинланади (Қонуннинг 17-моддаси). Бу ҳолда Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган ишнинг давомийлиги эмас, иш стажининг мавжудлиги (масалан, 1 ой) аҳамиятга эга.

Умумий касаллик туфайли ногиронлик пенсияси тайинланаётганда зарур стаж керак бўлади. Эслатиб ўтамиз, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга тайинланади (Қонуннинг 15-моддаси).

Ногиронлик пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стаж:

Ёш	Иш стаж
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

Маэзуевий сонни мухбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, меҳнатда майибланиш ёки касб касаллигига чалиниш оқибатида I ва II гуруҳлар ногиронларига ногиронлик пенсиясининг базавий миқдори ногиронлик буйича пенсия

тайинланган кунда 252-сон Низомнинг 52-бандида (Қонуннинг 17-моддасидагидек) назарда тутилган иш стажы мавжуд бўлганда оширилади (252-сон Низомнинг 110-банди).

Буни билган маъқул

Маълумотнома учун – Марказга

Бўлгуси пенсионер ҳужжатларни расмийлаштириш учун кўпинча архив маълумотномаларини тўплаши керак бўлади. Ҳозир «Бир дарча» принципи бўйича ишлайётган Архив хизматлари кўрсатиш марказига мурожаат қилиш мумкин.

Марказга шахсий сўровнома билан ҳам, ташкилот номидан ҳам мурожаат қилиш мумкин.

Марказ ходимлари зарурат туғилганда архив фондлари ва ташкилотларнинг маълумотлари жойлашган жой ҳақида ахборот берадилар.

Бу ерда электрон навбат тизими жорий этилган бўлиб, 10 дан ортиқ киши ўз сўровномаларини топшириши мумкин.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилотлар Марказ

хизматларидан фойдаланиши (ҳужжатларни сақлашга ва депозитар сақлашга топшириши) мумкин.


Марказ Тошкент шаҳар Давлат архивининг Истироҳат кўчаси, 14-уй манзилидаги Учтепа туман филиали биносида жойлашган. Ҳар куни соат 9.00 дан 13.00 гача (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) сўровнома топшириш ёки архив маълумотномасини олиш мумкин. Маълумот учун телефон – 231-81-40.

Фотолавҳа

Қадр топган қариялар

Қадимий ва навқирон Хива шаҳрида «Нуронийлар маскани» фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (28.12.2016 йилдаги ПФ-4906-сон) ижроси доирасида бунёд этилган оромбахш маскан кекса авпод вакилларига кўрсатилаётган алоҳида эътиборнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди.



– Бу ерда биз кўнгилли ҳордиқ чиқаришимиз, соғлигимизни тиклашимиз учун барча шароит яратилганидан хурсандмиз, – дейди хивалик меҳнат фахрийси Зухр Қурбонов. – Кутубхона, тиббиёт хонаси, чойхона хизматимизда. Бу ерда ёшлар билан, ижодкорлар, санъаткорлар билан учрашувлар ҳам ўтказилиши кўзда тутилган экан. Биз тадбирларда фаол иштирок этиб, ёшларни ватанпарварлик, ҳалоллик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз.

ЎЗА материали асосида.

Маъзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Ижарага берувчи шартномани муддатидан аввал бекор қилмоқчи

Хоналарни юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берамиз. Ижара тўлови суммаларидан бошқа даромаддан бўлганидек ягона солиқ тўлови тўланарди. Бир нечта инсофсиз ижарага олувчилар бир неча ой учун ижара пулини тўламаганлар. Натижада бизда 5 000 000 сўмлик дебиторлик қарзи юзага келди. Қарздорларни излаб, қарзини тўлашни талаб қилиш бефойда, бундай қилишга уриниб кўрганмиз. Директорнинг ёзма қарори билан ижара бўйича даромадни камайтириш ва ижара шартномаларини бекор қилиш мумкинми? Ёки бу суммаларни фақат зарарларга кирита оламизми?

А.Аҳмаджонов, ХК директори.

Норматив ҳужжатга биноан бюджет ташкилотига 9 та транспорт воситасидан фойдаланишга рухсат берилган. Президентнинг 18.12.2015 йилдаги ПҚ-2450-сон қарорига мувофиқ ташкилот тузилмасидаги штатлар, шу жумладан раҳбарнинг биринчи ўринбосари штат бирлиги қисқартирилди. Мазкур лавозимга шахсий автотransпорт бириктириб қўйилган эди. Бундан келиб чиқиб, шахсий автомашиналар сонини камайтириш керак деган тўхтамга келдик.

1. Ҳозир энгил автомобиллар сони – 9 та. Штат қисқартирилганига қарамай, уларнинг сонини шундайлигича сақлаб қолишимиз мумкинми?

2. Транспорт воситаларининг умумий сонини кўпайтирмай, 1 та шахсий автомобилни навбатчи ёки махсус транспорт тоифасига ўтказасак бўладими?

3. Штатда энгил автомобиль ҳайдовчиси 1 штат бирлиги етмайпти. Штат бирликлари умумий сонини ўзгартирмай, сантехник 1 штат бирлигини бекор қилиб, ҳайдовчи 1 штат бирлигини қўшсак бўладими?

Бухгалтер.

Ҳар бир автомобилга биттадан ҳайдовчи

1 Ҳа, 9 та автомобилни сақлаб қолишингиз мумкин. Зеро шахсий автомобиль бириктирилган штат бирликлари сони қисқарган бўлса ҳам, норматив ҳужжатда белгиланган хизмат энгил автомобилларининг чекланган сони ўзгармаган.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган вазирликлар, идоралар ва уларга қарашли ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

аппарати энгил автомобилларининг чекланган сони ВМнинг 26.05.2011 йилдаги 153-сон қарори билан белгиланган. Чунотчи, сизнинг ташкилот 9 тадан ортиқ бўлмаган энгил автомобиллардан фойдаланишга йўл қўйилади (ВМнинг 153-сон қарорига 1-илова 31-банди). Тегишинча, кўрсатилган ҳужжатга мувофиқ ташкилот балансида 9 та автомобилни сақлаб қолсангиз, ВМнинг 153-сон қарори талабларини бузмаган бўласиз.

2 Автомобиллар қуйидагича тақсимланган ВМнинг 153-сон қарорига 1-илова 31-бандига қайтамыз:

Жами автомобиллар	Шахсий	Навбатчи	Махсус транспорт
9	4	1	4

Кўриб турганингиздек, транспорт воситалари фойдаланиш мақсадига қараб аниқ ажратилган. Бунда ташкилотнинг энгил шахсий транспорт воситалари ташкилотнинг фақат юқори раҳбарият таркиби: бош директор ва унинг иккита ўринбосарига берилган (ВМнинг 21.04.1992 йилдаги 202-сон қарори).

Ташкилотнинг ўзи автомобилдан фойдаланиш тоифасини ўзгартириши учун ВМнинг 153-сон қарори билан муайян истиснолар ёки имкониятлар назарда тутилмаган. Бунинг учун ташкилот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида (ВМнинг 14.02.2005 йилдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган) белгиланган таклифларни киритиш талабларига риоя этган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига асосли таклиф билан мурожаат қилиши керак. Шуни қайд этиш

лозимки, бу ҳолда Ҳукумат бюджет маблағларини тежашни кўзлаб энгил автомобиллар умумий сонини 9 тадан 8 тага қисқартириши эҳтимоли катта.

3 Транспорт воситаларини қайта тақсимлаш масаласи ташкилотнинг учун ижобий ҳал қилинган деб ҳисоблаб, ҳайдовчини ишга қабул қилиш тўғрисидаги масаласини кўришга ўтиш мумкин.

ВМнинг 202-сон қарорига (ВМнинг 8.09.2017 йилдаги 703-сон қарори таҳририда) мувофиқ, ташкилотнинг мустақил равишда, меҳнатга ҳақ тўлаш учун йўналтириладиган маблағлар доирасида аппарат тузилмасини, турли тоифадаги ходимлар сонининг нисбатини ҳисобга олмасдан моддий

рағбатлантириш шакллари ва шартларини тасдиқлаш ҳуқуқи берилган. Бунда фақат марказий аппарат ходимларининг чекланган сонини оширмаслик лозим.

Бинобарин, ташкилот штатидаги ходимларнинг чекланган сонини оширмасангиз ва меҳнат қонунчилигининг умумий нормаларига риоя этсангиз, ҳайдовчиларнинг штат бирлигини оширишга ҳақлисиз.

Абдурахмон Бахтиев,
«Irag Global» ХК директори.



– Ижара шартномаси бир тарафлама тартибда бекор қилиниши мумкинлиги унинг шартларида назарда тутилган бўлса, бундай қилиш мумкин. Хусусан, ижарага берувчи (ХК директори тимсолида) ўзининг ёзма қарори билан бир тарафлама тартибда шартномани бекор қилиши мумкинлиги шартномада қайд этилган бўлса, бундай қилишга йўл қўйилади. Акс ҳолда бир тараф шартнома суд томонидан муддатидан аввал бекор қилинишини талаб қилиши мумкин.

Шу тариқа, шартномада уни бир тарафлама тартибда бекор қилиш шarti қайд этилмаган бўлса, у ҳолда судга мурожаат қилишингиз мумкин. Тарафлардан бирининг талаби билан иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузган ҳолларда у суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин (ФКнинг 382-моддаси). Ҳақ тўлаш тўғрисидаги шартнома шартларини бузиш жиддий сабаб ҳисобланади.

Даъво аризаси бериш учун, агар бу шартномада белгиланган бўлса, низои ҳал этишнинг даъво қилиш тартибига риоя этиш лозим. Даъвода қарз суммасини, шартнома шартлари ёки қонунда назарда тутилган неустойка (пеня, жарима)ни, шунингдек ижара шартномасини муддатидан аввал бекор қилиш ва берилган мол-мулкни қайтариш тўғрисидаги таклифни кўрсатиш зарур.

Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ённки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин (ФКнинг 384-моддаси).

Ижара шартномаси бўйича мажбуриятлар барҳам топмаганлиги сабабли ижара бўйича даромадларни ҳисоблаш

лозим. Амал қилиши тўхтатилмаган ижара шартномалари бўйича даромадларни корхона раҳбарининг қарори асосида камайтириш ҳуқуққа зид бўлиб, нохуш солиқ оқибатларига олиб келиши мумкин. У ёки бу қарорни қабул қилишдан олдин қонун ҳужжатларида назарда тутилган, риоя этилиши шарт бўлган бир қатор талаблар мавжудлиги сабабли ўз ёзма қарорингиз билан ижара шартномаларини бекор қила олмайсиз.

Саволингизда қарздорларни излашга уриниб, қарзларини қайтаришни талаб қилганингизни ёзгансиз. Аввало ижарага олувчининг шартномада кўрсатилган манзилига даъво йўллашингиз зарур. Агар даъвоингиз қайтиб келса (адресат йўқлиги сабабли), солиқ тўловчининг мақоми ва жойлашган жойини билиш учун қарздорлар (юридик шахслар) рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ инспекциясига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ижро этилмаётган ижара шартномаларини бекор қилиш учун тегишли судга мурожаат этиш керак. **Фақат даъво муддати ўтганидан кейин, яъни у юзага келганидан бошлаб 3 йил ўтгач, дебиторлик ёки умидсиз қарзни корхона зарарларига киритиш мумкин бўлади (Солиқ кодексининг 22-моддаси; ФКнинг 150-моддаси).**

Келгусида бундай вазиятларга тўқнаш келмаслик учун шартномада уни бир тарафлама тартибда бекор қилиш тўғрисидаги шартни назарда тутишни тавсия этамиз. Масалан: *«Ижарага олувчи ўтган ой учун ижара тўловини 10 кун ичида тўламаса, ижарага берувчи шартномани бир тарафлама тартибда бекор қилишга ҳақли. Бу ҳолда ижарага берувчи ижарага олувчига шартнома муддатидан аввал бекор қилинганлиги тўғрисида ёзма хабарнома йўллайдди.»*

Зебо Қўлиева,
«Norma» МЧЖ эксперти.

«Селфимания» – юқумли ва хавфли «касаллик»

1-бетда Рухуносларнинг фикрича, улар бора-бора атрофдагиларнинг эътироф ва эътиборига, қолаверса, ўзининг кўринишига қарамлик (нарциссизм) гирдобига тушиб қолади. Кейинчалик асаб тизими муаммолари уларни қўйнайди. Фейл-атворида ўзини бошқалардан устун қўйиш, худбинлик, манманлик, лоқайдлик каби жиддий кусурлар пайдо бўлади. Ўз камчилигини тан олмайдиган, фақат яхши таърифларни эшитишга мойил бўлгани боис тажовузкор фейл-атвор эгасига айланади.

Селфи тушишга боғланиб қолиш ке-

йинчалик невроз ва ҳаттоки янада чуқурроқ патологик ҳолатлар – психозга ҳам олиб келиши мумкин. Бошқалар томонидан безэтибор қолдирилган селфибоз ўзида ноқисликни ҳис этиб, оқибатда жиззакилик, норозилик ёки аксинча, руҳий тушкунликка (депрессия) тушиб қолиши мумкин. Бундай одамларга албатта психологик ёрдам кўрсатилиши лозим. Чунки улар ўзини суратга олиш ва уни интернетга жойлаштириш истаги чегарадан аллақачон чиқиб кетганини ва бу ҳолат кейинчалик оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини англай олмасликлари эҳтимоли юқори.

Уларнинг орасида фарзандингиз йўқлигига ишончингиз комилми?

...Тўққизинчи қават томида йигитларнинг бири иккинчисини итарган, ўйнаган, кулган ва бошқа хатти-ҳаракатлар қилиб суратга тушмоқда. Агар пастдан уларни кўраётган бўлсангиз, хаёлингизга келган биринчи фикр нима бўлади?

Уларнинг орасида ўз фарзандингиз йўқлигига ишончингиз комилми? Унинг ўқишда, ишда ёки машғулотларда банд эканини аниқ биласизми?

Ҳа, аслида селфиманиянинг ҳаёт хавфсизлигидаги ўрни эътиборни тортади. Ўзини суратга оламан деб юз бераётган кўнгилсизликлар, ҳалокатлар, ҳаётдан эрта кўз юмишлар содир бўлаётгани ачинарли.

Ўз автоуловида тоғли ҳудудга саёҳатга чиққан йигит-қизлар қайтаётиб, ҳалокатга учради. Маълум бўлишича, машинани бошқараётган йигит селфи олишга чалғиб, айлана йўлни кўрмай қолган. Бу воқеа ижтимоий тармоқларда анча овоза бўлди. Аммо бу хабар ёшларни хушёр қила олмади.

Хорижий мамлакатларда симёғочга ёпишиб куйиб кетган мактаб ўқувчиси, парвоз вақтида мувозанатнинг йўқолишига сабабчи бўлган учувчилар, ўн олтинчи қаваатдан йиқилган қиз, поезд остида қолган йигитлар, машина уриб юборган ёшлар... Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Юртимизда ҳам шу каби ҳолатлар, афсуски, учраб турибди.

Манманлик одамда ахлоқсизликнинг шаклланишига олиб келаётди. Инсоний ҳис-туйғуларни четга суриб қўяётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Дафн маросимлари, автохалокатлар пайтида, ёнгин, табиий ё техноген ҳодиса рўй берганда жабрланганларга кўмакка шошилиш, йиқилиб қолган кексаларга ёрдам бериш ўрнига уларнинг ёнида ёки фониди суратга тушиш, ҳаёсизларча видеога олиш ахлоқсизлик ва маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас. Ин-



сонийлик туйғуларидан йироқ бундай одамлар ҳақида нима дейиш мумкин?

– Халқимизда «Ўят – ўлимдан қаттиқ» деган нақл бор, – дейди пойтахтимизнинг Яшнобод тумани Катта Янгибод маҳалласида яшовчи Тўтихон ая Йўлдошева. – Ота-боболаримиз, оқила момоларимизнинг онгу-тафаккурида асрлар давомидида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят, андиша, шармуҳаё, ибод, ифрат каби юксак ахлоқий туйғу ва диний-маънавий тушунчалар турмуш тарзимиз асосини ташкил этган. Шундай экан, қизларимиздаги ор-номус, йигитларимиздаги гурур қаерда қолди? Ҳатто айтишга хижолат бўладиган жойларда ўзини суратга олиб, тармоқларда фаол бўлиш одоб чегарасидан чиқиш эмасми?!

Ўғил-қизларимиз, келажакимиз бунёдкорларининг бўш вақтини фойдаланишларга йўналтириш муҳим вазифалардандир. Таълим муассасалари, маданият ва маърифат марказларида ташкил этилган турли тўғаракларга ёшларни жалб этиш, уларга тўғри таълим-тарбия бериш ўз самарасини беради. Мазмунли ташкил этилган вақт ва кучли маънавий тарбия фарзандларимизнинг бу касалликни юқтириб олишига йўл кўймасликнинг кафолатидир.

ЎзА материалли асосида.

ИНСОН ҲАЁТИ – АЗИЗ

Ҳар бир фаслнинг бўлгани каби қишнинг ҳам ўзига хос зийнати, завқу шавқи бор. Шу билан бирга зумрад қиш келтирадиган қимматли ташвишлар ҳам йўқ эмас. Аёзли кунларда уйимизни иситиш, газ-печкаларни ёқиб-ўчириш ҳаммамиздан хушёрлиги оғоҳликни талаб қилади. Одамларнинг эътиборсизлиги туфайли нохуш оқибатларни келтириб чиқарадиган ҳолат бу ис газидан заҳарланишдир.

Хушёрмисиз? Нохуш бўлмайсиз

«Сокин қотил»

Маълумки, ис газ (*кимёвий номлашиши – углерод (II) оксиди*) – рангсиз, ҳидсиз, таъмсиз ва энг кўп учрайдиган заҳарли бирикма бўлиб, табиий газ, ёқилги, кўмир, ўтин чўғлари тўлиқ ёнмаслиги оқибатида вужудга келади. Ис газ организмга тушганда у қон таркибидаги гемоглабин ва кислорд ташувчи эритроцитларни ўзаро боғлаб, кислорднинг тана бўйлаб ҳаракатланишини чеклайди. Натижада инсон хушини йўқотади. Шунинг учун ҳам печка, ўчоқлар, газ плитаси ёнида узоқ туриш кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Ис газ билан заҳарланиш кўпроқ домна печларини нотўғри ишлашдан, уй печкалари ичидаги олов батамом ёниб бўлмасидан унинг эшикчаларини ёпиб қўйишдан ва сандалга кўмир солишдан келиб чиқади. Кўчаларда автомобиль носозлиги туфайли ажралиб чиқаётган газ таркибидаги ис газ билан заҳарланиш ҳам учрайди.

Из газ оддий тутун таркибида 3, ишланган газда 13, портловчи газлар таркибида 50-60, оддий автомобиль тутунида 6,3 фоизгача миқдорда учрайди. Энг ёмони ис газ тарқалаётганлигини аниқлашнинг қийинлигида. Ҳиди, ранги, таъми бўлмаганлиги, организмга таъсири сезилмаслиги, қолаверса ҳаво билан тез аралашиб кетиш хусусиятига эгаллиги учун уни «сокин қотил» деб ҳам аташади. Ис газидан заҳарланишнинг ҳаводаги тўпланиш даражасига ва таъсир муддатига боғлиқ. Яъни, бу кўрсаткич 0,08 фоизни ташкил этганда инсонда бош оғриғи ва бўғилиш юзага келади. Тўпланиш даражаси 0,32 фоизга етганда тана фалажланиб, инсон хушидан кетади ҳамда тахминан 30 дақиқадан сўнг ҳалок бўлади. Унинг миқдори 1,2 фоизга тенг бўлганда киши дастлабки нафас олишлардаёқ, узоғи билан 3 дақиқада ҳаётдан кўз юмади.

Ис газидан заҳарланиш белгилари куйидаги кўринишларда намоён бўлади:

➤ **енгил даражадаги заҳарланишда** – бош оғриғи, бош айланиши, қулоқ шанғиллаши, кўнгил айнаши, қусиш, хушдан кетиш кузатилади;

➤ **ўртача даражадаги заҳарланишда** – мушаклар бўшашиши, нафас

қисиши, томир уришининг тезлашуви, артериал қон босимининг пасайиши, кўнгил айнаши, ақл хираланиши, юзда қирмизи доғлар пайдо бўлиши билан кечади;

➤ **оғир даражадаги заҳарланишда** – одам батамом хушдан кетади. Оёқлари кўкариб ёки оқариб, юзда қирмизи доғлар пайдо бўлади. Томир уруши тезлашиб, артериал қон босими кескин пасаяди. Нафас олиш секинлашади ва чуқурлашади, мушаклар бўшашиб, табиий эҳтиёжларнинг беихтиёр бажарилиши кузатилади. Оқибатда нафас олиш тўхтади.

Биринчи ёрдам қандай кўрсатилади

Ис газ билан заҳарланганда биринчи ёрдам кўрсатиш тартиби куйидагича:

➤ заҳарланиш манбаини имкон қадар тезроқ бартараф этиш (масалан, автомобиль двигатели, газ ускунаси ёки иситкичи ўчириш);

➤ жабрланувчини заҳарланган ҳудуддан очик жойга – тоза ҳавога олиб чиқиш. Бунда жабрланувчи ўзи ҳаракатлана олса ҳам, уни ётган ҳолда олиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Оёқларини бироз кўтариб, чалқанча ётқириш ҳамда кийими тугмаларини ечиб, танани сиқиб турган кийимларни бўшатиш;

➤ нафас олиши ва юрак уриши тўхтаган бўлса, суңий нафас бериш ва юракни уқалаш;

➤ жабрланувчининг ухлаб қолмаслигини назорат қилиш. Жабрланувчини юргизиш тақиланганда;

➤ нашатир спиртини ҳидлатиш;

➤ хушига келган вақтида йиқилиб, жароҳатланмаслиги учун чоралар кўриш;

➤ жабрланувчининг ҳолати яхши бўлса, иссиқ чой ёки қаҳва ичириш;

➤ кислорд ёстиғи ёрдамида кислорд бериш.

Инсон ҳаёти – азиз неъмат. Шундай экан, бу неъматнинг қадрига етиб, ҳар бир ҳолатда хушёр оғоҳ бўлишлик бизни саодатга етказади.

Зулфия Отахонова,
1-Республика тиббиёт коллежи
кимё фани ўқитувчиси.

<p>Иқтисодий-ҳуқуқий газета</p> <p>НОРМА МАСЛАХАТЧИ</p> <p>ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ</p> <p>Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</p> <p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир Ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Адабий муҳаррир Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, Таҳририят тел. 200-00-90 Обуна бўлими тел. 200-00-30 E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90; Рекламини жойлаштириш бўйича 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета нашри – «TOPPRINT» М-Дўнани компьютер базасида терилди ва сақланган. Нашр кўрсаткичи – 188. Қўроқ бичими – А3. Ҳажми – 2 бома таъб. Басма нашридан нархда. Буортма 60. Адади 910. Газета 2018 йил 29 январь соат 14.00 да топширилди.</p>
---	---	---	---